# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 5 март, № 45 (5975) Чоршанба


МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

*Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шу омил туфайли ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан бойиб, кўплаб иш ўринлари яратилмоқда.*



Наманган шаҳридаги “Avtoplast TARP” корхонасида енгил автомобиллар учун ёритиш ускуналари ҳамда пластик бутловчи қисмлар тайёрлашнинг ўзлаштирилишини ҳам мазкур йўналишдаги истиқболли лойиҳалар қаторига киритиш мумкин.

Хитойлик ҳамкорлар кўмагида ташкил этилган корхона ишга тушганига икки йилдан ошди. Ўтган вақт ичида маҳаллий ёшлардан иборат меҳнат жамоаси бу ердаги технологик жараённи муваффақиятли ўзлаштириб олди. Ишчиларнинг бир қисми хорижда тажриба ўрганиб қайтган бўлса, аксарияти “Устоз — шогирд” анъанаси асосида малака оширди. Улардан бири — Нигора Мамажонова ёритиш ускуналарини йиғиш билан шуғулланади.

— Ишимиз жуда қизиқарли, — дейди у фахр билан.— Турли деталь кўринишидаги пластмасса ва ойна қисмлари бирлашиб, тайёр маҳсулотга айланган чоғда кайфиятингиз янада кўтарилади. Насиба Орифбоева, Озода Қаюмова, Зафаржон Ёқубов ва бошқа ўнлаб ҳамкасбларим билан астойдил меҳнат қилиб, буюртмаларни вақтида етказишга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Машинасозлик саноатининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у илғор технологияни жорий этиш орқали ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб боришни талаб этади. Йигирма турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқараётган “Avtoplast TARP” жамоаси ҳам бунга қатъий амал қилиб келмоқда. Ўтган йили бу ерда модернизациялаш тадбирларига 328,9 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди. Бунинг 223,7 минг доллари банк кредити бўлса, 105,2 минг доллари корхонанинг ўз маблағидир. Шундан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоиз ошди ва натижада истеъмол бозорига 662 миллион сўмлик ёритиш ускуналари ва пластмасса бутловчи қисмлар етказиб берилди. Буюртмачилар билан тузилган шартномалар тўлиқ уддаланди.

— Замонавий технологиялар ишга туширилиши ташқи бозорга чиқиш борасидаги ҳаракатимизни янада тезлаштириб юборди, — дейди корхона раҳбари Қодирхон Абдуллаев. — Шу кунларда қозоғистонлик ҳамкорлар билан тузилган бир миллион долларлик шартномани бажаришга киришган бўлсак, тез орада маҳсулот экспортини ҳам йўлга қўйиш ниятимиз бор.

(Давоми 2-бетда).

8 март — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

*Ватанга энг муносиб таъриф, шак-шубҳасиз, Она сиймосидир. Шундай экан, аёлни эъзозлаш азалдан ҳам қадрият, ҳам фазилат, ҳам эзгу муносабатдир.*

# Ҳам қадрият, ҳам фазилат

Бугун жамиятимизнинг қай бир жабҳасини олманг, у таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, молия-иқтисод, саноат ёки тадбиркорлик соҳаси бўладими, барчасида фидойи аёлларимиз ибрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Нафақат меҳнат қилишаяпти, балки ҳар қандай соҳани, ҳар қайси жамоани, ҳар қайси муҳитни, авваламбор, аёлларимиз обод этаяпти, десак, айни ҳақиқат.

Бу шунчаки гап эмас. Мана, ўзимиз меҳнат қилаётган корхонадан қиёс. Бугунги кунда 27 минг кишилик улкан жамоамизнинг каттагина қисми аёллардан иборат. Комбинатимизнинг энг қайноқ ўчоқлари, масалан, кон хом ашёси ишлаб чиқарадиган корхоналар, металлургия, механика-таъмирлаш заводларини оласизми ёки дунёга машҳур “Қалмоққир”, “Сариқчўққи”, “Ковулди”, “Ангрен”, “Учқулоч”, “Хонжиза”, “Чодак” кон бошқармалариними, бирортасининг фаолиятини хотин-қизларимизнинг фидокорона меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, комбинатимиз хотин-қизлари инвестиция дастурларини бекаму кўст рўёбга чиқаришда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида алоҳида ўрнак ва намуна кўрсатаётирлар.

(Давоми 2-бетда).

АЙЁМ

*Қишнинг аёзли кунлари ортда қолиб, кўкда чарақлаган қуёш нури баҳорни, Наврўзни соғинганимиздан дарак берди. Чунки Наврўз барчамиз учун шарқона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.*

# Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Одам боласи туғилганидан бошлаб, баҳор куртаклари сингари тирикликка, яшашга интилади. Азалий ва абадий байрам — Наврўз ана шу хислатларни ўзида мужассам этган, илоҳий мазмун-моҳиятга эга айёмдир. Баҳор элчиси — бойчечак очилиши билан жойларда ободончилик-кўкаламзорлаштириш, экин-тикин ишлари авжига чиқади. Кимдир ён-атрофни саранжом-саришта қилса, яна кимдир фарзандларию набираларини ёнига олиб кўчат ўтқазади. Беморлар ҳолидан хабар олинади. Буларнинг бари ўзбекона хислат саналади.

— Сурхонга кўкламнинг илк нафаси дастлаб Бойсун тоғ этакларидан ошиб келадигандай туюлади. Шундан бўлса керак, минг йиллик меросимиз саналган Наврўзни ўзгача руҳ ва шукуҳ билан қаршилашга одатланганмиз, — дейди Бойсун туманидаги “Қуралай” болалар намунали фольклор-этнографик ансамбли бадиий раҳбари Усмон Йўлдошев. — Сайиллар, асосан, ям-яшил ўт-ўланлар билан қопланган адирликлар ҳамда яйловлар бағрида ўтказилади. Ёши улуғлар Наврўзга етказганига шукроналар айтиб, “Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик”, дея ният қилишади.

Наврўз сайилгоҳларида бахшилар достонлар куйлашади. Кўкламнинг илк кўкатлари бўлган бойчечак, ялпиз, чучмома ҳақида ҳам халқ қўшиқлари яралган. Айниқса, баҳор элчиси бўлган қалдирғоч ва турналар ҳақидаги айтишувларни ёшу қари бирдек севиб куйлайди.

(Давоми 4-бетда).

Транспорт:

# Соҳа ривожи ва АКТ

*Бугунги кунда мамлакатимизда автотранспорт воситалари орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажми тобора ортиб бормоқда.*

ТАДБИР

Ушбу йўналишларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига қулай имкониятлар яратилаётгани, соҳани ривожлантириш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётгани, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилаётгани ва аҳолига янги хизмат турлари таклиф этилаётгани, шубҳасиз, бу борада муҳим омил бўлаяпти.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан “Автомобиль транспорти фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар” мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Япониянинг Сайтама префектурасида жойлашган Мисато шаҳрида Ўзбекистон маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот кечаси бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг анъанавий миллий либослари, амалий санъат маҳсулотлари намуналари билан бирга, ўзбек миллий ашула ва рақсларидан ташкил топган маданий дастур ҳам намойиш этилди.*

# Японияда Ўзбекистон кечаси

Тадбирда Мисато шаҳри мэрияси, Сайтама префектурасининг Халқаро дўстлик ассоциацияси, Мисато халқаро маркази ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашди.

Сайтама префектураси жамоатчилигини халқимизнинг кўҳна, бой ва ўзига хос маданияти ҳамда улкан сайёҳлик имкониятлари билан яқиндан таништирган ушбу тақдимот кечаси Мисато шаҳри маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Буни мазкур тақдимотда қатнашган айрим меҳмонларнинг “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига маълум қилган фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

**Йошихару Сайто, Мисато шаҳар мэрияси Жамоатчилик билан ишлаш департаменти бошлиғи:**

— Бўлиб ўтган тақдимот маросими бизларни мамлакатингизнинг ноёб маданий-тарихий мероси билан яқиндан таништирди. У япон ва ўзбек халқларининг анъаналаридаги ўзаро уйғунликни ҳам намоён этди. Ўзбек ҳунарманд усталари ясаган халқ амалий санъати намуналари кўргазма иштирокчиларининг алоҳида эътиборини қозонди. Шу боис уларнинг кўпчилиги яқин вақт ичида Ўзбекистонга боришга қарор қилишганини билдиришди.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин қуролсизлантирилган японлар Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри қурилишида қатнашган. Улар ўзбек халқининг илиқ қалби тафтидан ва самимиятидан баҳраманд бўлишганига тарих шоҳид. Биз ўзбекистонликларнинг ватандошларимизга кўрсатган эътиборини, Ўзбекистон тупроғига дафн этилган японлар хотирасига бўлган ҳурматни юксак қадрлаймиз.

**Мочизуки Масаоки, Халқаро маданий алмашувлар ассоциациясининг раиси:**

— Минг йиллар мобайнида шаклланган, ўзига хос бўлган ўзбек маданияти дунё цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Кўпгина японияликларда Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқиш ва муҳаббат бор. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар янада чуқурлашишига умид қилар эканман, жозибадор ўлкангиз обрў-эътиборининг Японияда янада мустаҳкамланиши учун ўз саъй-ҳаракатларимни сира аямайман.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

# УКРАИНАДА КЕЧАЁТГАН ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Украинада рўй бераётган воқеалар вазиятнинг жиддий мураккаблашувига ҳамда ўзаро қарама-қаршиликка олиб келгани баробарида, улар тангликнинг янада кучайишини, олдиндан айтиш мушкул бўлган оқибатларни келтириб чиқариши, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига жиддий хавф солиши мумкинки, бундай ҳолат Ўзбекистонда чуқур хавотир ва ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон Украинада юзага келган вазиятнинг бартараф этилишини, энг аввало, куч ишлатишлар қўлланилишидан воз кечилган ҳолда, вужудга келган муаммолар тинч йўл билан, сиёсий воситалар ва саъй-ҳаракатлардан фойдаланилган тарзда, халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига ҳамда БМТ Низомига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан ҳал этилишида кўради.

Ўзбекистон Украинадаги низоли жараёнда иштирок этаётган томонлар ўртасида тез фурсат ичида ўзаро келишувга эришилиши учун юксак даражадаги вазминлик ва мулоҳазакорлик намоён қилинишига умид билдиради.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Мамлакатимизда 2013 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати қарийб**

# 2,7

**миллиард АҚШ долларилик лойиҳаларни амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди.**



Молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан жалб этилган ушбу маблағлар ҳисобига 150 та лойиҳа ниҳоясига етказилиб, бу саноатимизнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, шунингдек, ички бозорга импорт ўрнини босувчи янги турдаги тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, маиший ва электроника жиҳозлари етказиб бериш имкониятини яратди.





«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

**«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!»**

Бутун юртимиз бўйлаб ўтказиладиган саломатлик ҳафталиги мобайнида республикамиздаги мавжуд 3200 та қишлоқ врачлик пункти, туман ва шаҳарлардаги марказий кўп тармоқли ва оилавий ҳамда аралаш қабулга мўлжалланган поликлиника шифокорлари хонадонларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишади, тиббий маданиятни ошириш юзасидан ўз тавсияларини беришади.

Халқ сўзи Народное слово

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жамоамизда аёллар меҳнати ва ташаббускорлиги муносиб қадрланади. Айниқса, хотин-қизларимиз саломатлигини сақлаш борасидаги ғамхўрликлар таҳсинга лойиқ. Биргина мисол. Кейинги йилларда комбинатимиз тиббиёт-санитария қисми тубдан таъмирланиб, замонавий, қулай ва шинам кўринишга келди. Хотин-қизларимиз йилнинг тўрт фаслида, исталган

## Ҳам қадрият, ҳам фазилат

вақтда 23 хил йўналишдаги сифатли ва кафолатланган тиббий хизматдан бепул фойдаланишлари мумкин.

Кексаларимиз дуога қўл очганда, ҳамиша юртга тинчлик, хотиржамлик сўрашади. Тўғри-да, одам самарали меҳнат қилиши, топган ризқини оиласи, фарзандлари билан хотиржам баҳам кўриши, тўйлар қилиб, орзу-ҳавас кўриши учун юртда, авваламбор, ана шу буюк неъмат барқарор бўлмоғи керак.

Ҳар куни кечқурун ишдан қайтар эканман, шаҳримиз кўча ва хиёбонларида бола-чақасини етаклаб, бемалол сайр қилиб юрган одамларни, айниқса, аёлларни кўриб қувонаман. Йўл ёқаларида янгидан бунёд этилган замонавий футбол майдонларида қийқириб тўп тепаётган фарзандларимиз ёнидан ўтаётганда завқим келади. Баъзан денг, янги қурилган туғуруқхонамиз олдидан ўтаётиб, фарзандини бағрига босганча, қувонч ва ҳаяжондан гул-гул яшнаб чиқиб келаётган ёш оилалар қувончига шерик бўламиз. Ана ўшанда бундай жаннатмонанд диёрда яшаётганингга минг қатла шукр қиласан.

**Матлуба ҲОТАМОВА,**
**Олмалиқ кон-металлургия комбинати Мис бойитиш фабрикасининг цех бошлиғи ўринбосари.**

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

# Қонун лойиҳаси муҳокамаси қизғин давом этмоқда

*Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини кўриб чиқиш учун парламентга киритди.*

МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2014 йилнинг 28 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида Қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таклифи кўриб чиқилди, шунингдек, қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи, қўмиталар ва комиссиялар раҳбарлари фикрлари тингланди.

Кенгаш мажлиси якунида қонун лойиҳасини биргаликда дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси масъул этиб белгиланди.

— Айнан ушбу қўмиталар аъзолари Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича комиссия ишида фаол қатнашиб келмоқда, — дейди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси А. Шодмонов. — Улар давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини ташкил қилиш амалиётини чуқур ўрганиш, бу соҳани тартибга солишга доир қонунчилик бўйича миллий ва халқаро тажриба билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини парламент муҳокамаси учун дастлабки тарзда биргаликда тайёрлаш уни тўпланган тажриба асосида янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

— Қонун лойиҳасининг Қўмитамиз томонидан дастлабки тарзда тайёрланиши ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари натижаларини инобатга олишда ҳам айни муддаодир, — дейди “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг Демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасидаги аъзоси А. Эшмуродов. — Уларда, шу жумладан, сайёр тадбирларда фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш ҳолати, уларни муҳим ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурларига жалб этиш механизмлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тизимидаги фойдаланилмаган имкониятлар, мавжуд камчиликлар ўрганиб чиқилди. Қолаверса, Қўмитанинг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш соҳасидаги тажрибасидан самарали фойдаланилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси А. Раҳимовнинг фикрича, қонун лойиҳасининг янгилиги инобатга олинганда, унга давлат ва жамият бошқаруви соҳасини тартибга солувчи бутун қонунчилик тизими орқали баҳо бериш керак бўлади. Шу билан бирга, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги самарали иштирокига доир конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш мақсадида ундаги бўшлиқларни атрофлича ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

— Қонун лойиҳаси юзасидан бирга иш олиб бориш қонун ижодкорлиги жараёнининг шаффофлиги, очиқлиги ва самарадорлигини таъминлашга, ҳуқуқшунослар, олимлар, экспертлар, мутахассислар кенг доирасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари фикрларини инобатга олишига кўмаклашади, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси О. Ахунова. — Бундай ёндашув қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнига аҳоли кенг қатламини жалб этиш имконини яратади.

Ҳозирги кунда масъул қўмиталар аъзоларидан иборат қўшма ишчи гуруҳ ташкил қилинди. Мазкур гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ, депутатлар муҳокамасига киритиш учун қонун лойиҳаси устида жиддий иш бошлади.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# Замонавий банк хизматлари — аҳоли фаровонлигининг муҳим омили

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси ҳамда Марказий банк томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ўқув-семинарларда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари борасидаги чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар берилмоқда.*

Чунончи, **Бухоро** вилоятида ташкил этилган тадбирда сўз олганлар молия-банк хизматлари тизимини янада ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва улар самарадорлиги ҳамда барқарорлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланганини алоҳида таъкидладилар. Соҳа ривожи учун янги қонун ҳужжатлари қабул қилинаётгани, мавжудлари давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиб борилаётгани эътиборга моликдир. Масалан, кредитлар ва бошқа молиявий амалиётларни расмийлаштириш жараёнларини янада мукаммаллаштириш, гаров мулкига, асосан, молиявий хизматлар кўрсатадиган кредиторлар таваккалчиликларини камайтириш мақсадида “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунда гаров реестрини юритиш борасидаги муносабатларни тартибга солиш кўзда тутилган.

— Яқинда тижорат банкларидан кредит олишда тадбиркорлик субъектлари учун яна бир катта имконият яратилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти директори ўринбосари К. Аҳмедов. — Марказий банк бошқаруви томонидан жорий йилнинг 1 январидан бошлаб қайта молиялаш ставкасини амалдаги 12 фоиздан 10 фоизга тушириш бўйича қарор қабул қилинди. Бу иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицион фаолликнинг ошишига олиб келади. Жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга ажратиладиган тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкалари пасаяди ва кредитлар ҳажми ўсади.

Банк ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш тармоғи сифатини ошириш, бу борадаги соғлом рақобатни кучайтириш, тегишли қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида **Хоразм**да ўтказилган ўқув-семинарда атрофлича маълумот берилди. Айниқса, кейинги йилларда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилаётгани ва бу аҳоли фаровонлигини янада оширишда, шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишида муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

— Ўтказилган ўқув-семинар ниҳоятда самарали бўлди, — дейди Урганч туманидаги “Элита чорва насл” МЧЖ раҳбари А. Рўзметов. — Тадбиркорлар ўз ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоялаш борасида давлатимиз томонидан яратиб берилаётган қонуний имтиёзлар, имкониятлар билан кенгроқ танишиб, малака оширди. Бу, шубҳасиз, биз, тадбиркорларга келгусидаги юксалиш режаларимизни амалга оширишда қўл келади. Мисол учун, тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб, гўштни қайта ишлаш корхонаси фаолиятини йўлга қўйдик. Банкдан ҳеч бир тўсиқларсиз яна 800 миллион сўмлик кредит олиб, бу соҳадаги фаолиятимизни кенгайтирдик. Натижада қўшимча 10 нафар киши иш билан таъминланди.

**Қашқадарё** вилоятида бўлиб ўтган семинарда жойларда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити юртдошларимизда ўз бизнесини йўлга қўйишга бўлган қизиқишни ошираётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят тижорат банклари томонидан 2012 йилда 286,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 372,9 млрд. сўмни ташкил этди.

— Ўқув-семинарда банк хизматидан фойдаланишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонун ҳужжатларига асосан яратилган шарт-шароитлар, банк тизимини ислоҳ қилишга доир қонунчилик ҳужжатларининг ҳудудий банк тизимидаги ижроси юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди, — дейди халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг депутати А. Акбаров. — Айниқса, тадбиркорларга илғор иш услублари, солиқ, молия, банк соҳасидаги янги хизматлар тавсия этилгани, албатта, соҳа ходимларининг билим ва малакасини оширишга хизмат қилади.

**Сурхондарё** вилоятида бўлиб ўтган ўқув-семинарда ёшларни, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш борасида яратилган имтиёзлар, ушбу соҳада кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзолари, Марказий банк ҳамда тижорат банклари ва филиаллари раҳбарлари иштирокида вилоят ҳамда туман марказларида ўтказилаётган учрашувлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишимизда ҳуқуқий кўмак бўлмоқда, — дейди Олтинсой туманидаги “Фаррух — Севинч — Ҳамкор” хусусий корхонаси раҳбари Гулчеҳра Эшқобилова. — Корхонамиз ТИФ Миллий банкнинг Денов филиали мижози саналади. Мазкур банкдаги тартиб-интизом, мижозларга бўлган ҳурмат-эътибордан жуда мамнунмиз. Улар мен тақдим этган бизнес-режа билан танишиб, кредитни тўлаш қобилиятимни ўрганиб чиқишгандан сўнг маиший хизмат кўрсатиш нуқталари қуришимиз учун 70 миллион сўм сармоя ажратишди.

— Бугунги кунда лойиҳамиз амалга ошиб, — деб давом этди тадбиркор, — ўзим яшаётган Миршоди маҳалласида савдо дўкони, сартарошхона, гўзаллик салони қуриб ишга туширдик. Эътиборлиси, маҳалладошларимдан 8 нафари доимий иш билан таъминланди. Ана шуларнинг 3 нафари коллеж битирувчиси бўлиб, айни пайтда улар аҳолига намунали хизмат кўрсатишмоқда.

Ўқув-семинарларда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олмоқда.

**Вилоят мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

СЕМИНАР

*Адлия вазирлигида “Давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалалари” мавзуида семинар ташкил этилди.*

# Ҳуқуқ ва амалиёт

Унда Ички ишлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари масъул ходимлари, давлат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Адлия вазири Н. Йўлдошев ва бошқалар томонидан эътироф этилганидек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, назорат тузилмалари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, шунингдек, норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти йўналишида вазирлик томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари асосида ташкил этилган Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўтган қисқа давр мобайнида Бош бошқарма ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан қайсики соҳада қонунчилик нормаларини нотўғри, турлича талқин қилиш ва қўллаш каби ҳолатлар учраётган бўлса, уларни бартараф этиш, бунинг олдини олишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар кўрилаётгани бунинг яққол далилидир. Хусусан, таҳлиллар чоғида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва камчиликларни нафақат фаолияти ўрганилган давлат органларида, балки бошқа идораларда ҳам такрор йўл қўймаслик мақсадида кенг муҳокама этиш амалиёти йўлга қўйилгани ўзини ҳар жиҳатдан оқлаяпти.

Тадбирда Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2013 йилда ўтказилган ўрганишлар натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

— Ўтган йили 18 та давлат идораси тизимида қонунчиликка риоя этилиши ўрганилиб, 10 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда 4,5 мингга яқин муаммо ва камчиликлар аниқланди, — дейди адлия вазирининг ўринбосари О. Муродов. — Натижада қонунларга зид равишда қабул қилинган 3 та идоравий ҳужжат, 1272 та қарор бекор қилинди. Шу юзасидан 667 нафар мансабдор шахс интизомий, 156 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, 19 нафари лавозимидан озод этилди. 2 та ҳолат бўйича эса прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари қўзғатилди.

Айтиш жоизки, қонунбузилиш ҳолатлари келгусида такрорланмаслиги учун қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан идоравий ҳамда идоралараро чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётир. Айни чоғда қонун ҳужжатларидаги ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида тегишли давлат органларига 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Шуларга уйғун ҳолда фаолияти ўрганилган давлат органлари ходимларининг билим ва малакасини оширишга йўналтирилган семинарлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар ходимларда қонун ҳужжатлари меъёрларини тўғри, аниқ ва бир хилда қўллаш масъулиятини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Якунда давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 4 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1992,64 | 1 Россия рубли | 61,81 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3745,51 | 1 Украина гривнаси | 230,60 |
| 1 Дания кронаси | 413,00 | 1 Малайзия ринггити | 682,12 |
| 1 БАА дирҳами | 608,96 | 1 Польша злотийси | 738,78 |
| 1 АҚШ доллари | 2236,66 | 1 СДР | 3461,01 |
| 1 Миср фунти | 320,94 | 1 Туркия лираси | 1006,33 |
| 1 Исландия кронаси | 19,90 | 1 Швейцария франки | 2542,81 |
| 1 Канада доллари | 2023,03 | 1 евро | 3075,63 |
| 1 Хитой юани | 363,89 | 10 Жанубий Корея вони | 20,88 |
| | | 10 Япония иенаси | 220,62 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Транспорт:

# Соҳа ривожи ва АКТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги” Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 декабрдаги “Автовокзал (автостанция) паспортини бериш тартиби тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши муносабати билан мазкур фаолият билан шуғулланувчи субъектларга лицензия бериш тартиб-қоидаларига кўплаб ўзгартишлар киритилди. Айтайлик, илгари йўловчи ташишга ихтисослаштирилган хусусий фирмалар ташкил этилган бўлса, эндиликда бундай фаолият турини фақат юридик шахс мақомига эга тадбиркорлик субъектлари амалга оширмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар ставкалари миқдори ҳам ўзгарди. Шундан келиб чиқиб, агентлик мутасаддилари жорий йилнинг 15 февралидан бошлаб жойларда Молия ва Ички ишлар вазирликлари, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда автотранспортчилар учун махсус семинарлар уюштирмоқда. Бу жараёнда автотранспорт соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, “SMS орқали маълумотлар базаси билан алоқа” интерактив хизмати ёрдамида автобус, такси ёки юк автомобилининг қонуний ёки ноқонуний ишлаётганини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, тадбиркорлар сайт орқали автотранспорт воситасига лицензия олиш, ижарачилар эса автотранспортнинг лицензияси бор ёки йўқлигини аниқлаш, тендерда иштирок этувчи корхоналар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Лицензиатларга “шахсий кабинет” учун жой ажратилгани эса тадбиркорларнинг вақт ва маблағ сарфламасдан туриб, бундай хизматлардан фойдаланишлари учун айни муддао бўлаётир. Бунинг учун улар фақат махсус пароль ва логин олсалар кифоя.

Буларнинг бари фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ноқонуний автотранспорт хизматлари кўрсатилишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлардир, албатта.

Тадбирдан сўнг Тошкент шаҳри ва вилоятида йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун навбатдаги семинар ташкил этилиб, уларга автотранспорт соҳасидаги янгиликлар ҳақида маълумот берувчи методик қўлланмалар тарқатилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мақсадли дастурлар доирасида амалга оширилаётган бундай тадбирлар натижасида вилоятда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ортмоқда. Кейинги уч йилда вилоятда маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,7 баробар ошиб, ўтган йилда 28 та корхонада 51 лойиҳа рўёбга чиқарилиши эвазига 172,2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлангани бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, бугун Намангандаги саноат корхоналарида бўлган киши вилоят саноати учун мутлақо янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганига гувоҳ бўлади. Улар орасида автомобиллар учун газ баллонлари, алюминий профиллар, энергетика тармоғи бутловчи қисмлари, ипак гилам сингари хорижнинг шу турдаги ашёлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар борлиги, айниқса, қувонарлидир. Жорий йилда вилоятда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар анчагина. Демак, ҳудудда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

АНЖУМАН

*Тошкент давлат иқтисодиёт университетида таълим тизимини ривожлантиришда таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш масаласига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.*

# Таълимда интеграция жараёнлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ мустақил фикрловчи, тафаккури ва салоҳиятини тўла намоён эта олувчи, кенг дунёқарашга эга шахсни тарбиялаш умуммиллий мақсадга айланди. Шу боис юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга оид ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши натижасида ўн икки йиллик таълим тизими жорий этилди.

Тадбирда таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёни, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

— Коллеж битирувчиларининг ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўтаётганлигининг афзаллиги шундаки, энг аввало, улар дарс жараёнида олган билимларини мустаҳкамлайди, жамоа билан ишлайди, иш ўрганади, касбий маҳорати ошади, — дейди тадбир иштирокчиси, Бухоро давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқитувчиси Д. Шодиева. — Энг муҳими, ёш малакали мутахассис сифатида ўзлари танлаган соҳада доимий иш ўрнига эга бўлишади.

Шунингдек, анжуманда касб-ҳунар коллежлари ҳамда уларга услубий ва амалий кўмак берувчи олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказлари, иш берувчилар ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш борасида фикр алмашилди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*АҚШнинг шарқий ҳудудларида қалин қор ёғди. "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли уч мингга яқин авиарейслар бекор қилинди, 8,4 мингдан зиёд парвозлар номаълум муддатга кечиктирилди.*

## Яна ноқулай об-ҳаво

Шунингдек, қатор аҳоли пунктлари электр манбаидан узилиб қолган. Жумладан, Арканзас, Кентукки, Миссури ва Теннеси штатларида истиқомат қилувчи 36 минг хонадон ана шундай муаммога дуч келган. Виржиния, Делавэр ва Нью-Жерси штатларида эса фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Умуман, ҳозирги пайтда АҚШнинг 100 миллион аҳоли яшайдиган ҳудуди ноқулай об-ҳаво шароитини бошдан кечирмоқда. Кўплаб штатларда давлат идоралари ва таълим муассасалари вақтинча ёпилган.

## Вазият тақозо этмоқда

*Австралиянинг энг йирик авиакомпанияси — "Qantas" беш минг нафар ходимини ишдан бўшатишни режалаштирмоқда.*



Бундан ташқари, ташкилот авиапаркидаги самолётлар сонини элликдан зиёдроққа қисқартириб, даромад келтирмаётган йўналишларни бекор қилишини билдирди.

Манбаларга кўра, "Qantas" ўтган йилнинг иккинчи ярмида 212 миллион доллар миқдорида зиён кўрган. Бундай молиявий йўқотишлар компания раҳбариятини ана шундай ўзгаришларга қўл уришга мажбур этган кўринади.

## Кутилган самарани бермаяпти

*Францияда ишсизлик даражаси ошиб бормоқда, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

Хусусан, жорий йилнинг январь ойида мамлакат меҳнат биржасига 8900 киши иш сўраб мурожаат қилган. Бу ўтган йилнинг январь ойидаги кўрсаткичга нисбатан 4,4 фоиз кўпдир.

Мутахассисларнинг фикрича, Франция ҳукумати бандликни ошириш мақсадида икки миллиард евро миқдорида маблағ йўналтирди. Аммо ушбу чора-тадбир ҳали кутилган самарани берганича йўқ. Мамлакат меҳнат вазири Мишель Сапан эса айнан жорий йилда вазият ижобий томонга ўзгаришини, яъни ишсизлик кўрсаткичи камайишини билдирмоқда.

## Юксак технологиялар имконияти

*"Apple" компанияси автомобилларнинг мультимедиа жиҳозлари билан "iPhone" смартфонлари ўртасидаги интеграцияни таъминловчи "CarPlay" тизимини яратди.*

Мазкур технология ҳайдовчига ўз эътиборини йўлдан чалғитмаган ҳолда, мобиль алоқа хизматидан фойдаланиш, овозли буйруқ бериш орқали SMS-хабарнома йўллаш, хариталар билан ишлаш ва мусиқа эшитиш имконини яратади.

"CarPlay" Женевада бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмада намойиш этилади.

## «Оскар» ғолиблари

*Лос-Анжелесда Америка киноакадемиясининг "Оскар" мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*




Жумладан, "Қулликнинг 12 йили" фильми "Энг яхши фильм" номинациясида ғолибликка эришди. "Жасмин" фильмидаги роли учун Кейт Бланшетт "Энг яхши актриса" сифатида тан олинди. Мэттью Макконехи "Далласлик харидорлар клуби" фильмидаги ижроси учун "Энг яхши актёр" деб топилди.

"Гравитация" фильми ижодкорлари "Оскар"нинг бир йўла еттита мукофотини қўлга киритди.

## Фойда олишга эришди

*Болалар учун ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи "Lego" компанияси (Дания) 2013 йилни даромад билан якунлади.*

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, унинг соф фойдаси 9 фоиз ўсиб, 820 миллион еврони ташкил қилган. Савдо ҳажми эса 10 фоиз ошиб, 3,4 миллиард еврога етган.

Эслатиб ўтиш жоиз, 2003 йилда "Lego" молиявий танг аҳволга келиб қолганди. Компания маъмуриятининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари туфайли маҳсулотлар савдоси яна юришиб кетди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

томонидан 2014 йил 20 февраль куни ўтказилган очиқ танлов савдоси натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг «FRESCO» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 3 900 000 000 сўмга ва «BIO MIKREL» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши — 2 190 000 000 сўмга сотилганлиги ҳамда «AMMOFOS MAXAM» ОАЖнинг 2014 йил 17 февралдаги 644/28-сонли хатига асосан давлат рақами 10/289ВАА бўлган «ГБА-СПГ ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

356R/40

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

NBU

**Ўзбекистон аҳолисини баҳор айёми билан муборакбод этиб, хорижий валютада янги муддатли омонатларни амалга киритилганлигини маълум қилади:**

**«ТЕЗКОР»**
АҚШ долларида

- Сақлаш муддати — **1 ой**.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг хорижий валютада тўланади.
- Омонатга маблағлар қабул қилиш **2014 йил 1 май**га қадар амалга оширилади.

**«МАТЛУБ»**
АҚШ долларида

- Сақлаш муддати — **2 ой**.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра бўнак сифатида Марказий банкнинг операция амалга оширилган кундаги курси бўйича миллий валютада ёки омонат муддати тугаганидан сўнг хорижий валютада тўланади.
- Омонатга маблағлар қабул қилиш **2014 йил 31 май**га қадар амалга оширилади.

**«ОРОМ»**
еврода

- Сақлаш муддати — **3 ой**.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг капитализация қилинмаган ҳолда, хорижий валютада тўланади.
- Омонатга маблағлар қабул қилиш **2014 йил 1 июл**га қадар амалга оширилади.

*ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!*

*Хизматлар лицензияланган.*

**Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

**www.nbu.com**

360R/382

3 кун • 2 та павильон • 150 та компания

worldfood 14 - Халқаро кўргазмаси
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

agroworld UZBEKISTAN 9 - Халқаро кўргазмаси
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ



Бутун озиқ-овқат дунёси бир майдончада!

2–4 апрель 2014
«Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

ТАШКИЛОТЧИ ITE

ITE Uzbekistan
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А» уй.
Тел.: (+99871) 113-01-80. Факс: (+99871) 237-22-72.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz Web: www.ite-uzbekistan.uz

www.worldfood.uz
www.agro.worldfood.uz

ufi Member

Guvohnoma № 3583

358R/85

**"ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ" ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ**




**2014 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

**МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР:**

- ҚУВУР ЁТҚИЗГИЧ "PipeLineMan PMGY-70";

**ШУНИНГДЕК, АЙНИ ПАЙТДА КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:**

- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛЛАРДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛҒАЛАР (ОТБОЙНЫЕ МОЛОТКИ);
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.




Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

**Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-"А" уй.**

**www.qurilish-lizing.uz**

E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган




130R/1161

**Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-51-04, моб.: (+99890) 189-95-41, 958-61-61. Тел./факс (8-371) 250-51-04**

**• Реклама ва эълонлар •**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ҳамда материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.***

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz
E-mail: pdf.fund@gmail.com**

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

188R/93

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 4 апрель куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2013 йил 3 июлдаги 1-2280/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Ибн Сино» МФЙ, Янги аср кўчаси, 168-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 28,48 кв.м., фойдаланиш майдони 20,16 кв.м. бўлган савдо дўкони бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 28 000 000 сўм.***

**2.** Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 21 августдаги 15-12-10/26647-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Бувайда» ҚФЙ, Бувайда қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 279,77 кв.м., фойдаланиш майдони 279,77 кв.м. бўлган трактор гаражи темир бостирмаси (навес).

***Бошланғич баҳоси — 44 913 269 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 2 апрель куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2014 йил 19 март куни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда: Қува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2009 йил 20 апрелдаги 15-09-03/3897-сонли, 2009 йил 3 августдаги 15-09-04/14383-сонли ва 2009 йил 13 ноябрдаги 15-09-07/21969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қува тумани, «Мухитдинов» ҚФЙ, Сўфи қишлоғида жойлашган, умумий майдони 1821,96 кв.м. бўлган бетон бостирма (навес).

***Бошланғич баҳоси — 44 872 011 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 17 март куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.
Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.**

345R/90

***Лицензия: № RR-0017.***

**МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси**

**фойдаланишда бўлган, пахта толасидан ип йигирувчи техник жиҳатдан соз тўқимачилик жиҳозини сотади.**

**Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Ғалаба кўчаси, 1-уй, МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси.**

**Телефонлар: (8-371) 248-12-00, 248-15-01.**

132/39



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Мўйлови сабза урган йигитлар кўклам ўйини — чиллак, зувиллатар, норғул йигитлар эса отда кўпкари чопишиб, беллашишади. Катта даврада кураш, арқон тортиш ўйинлари қизийди. Қоқигулдан бошига чамбараклар тақиб олган қизлар қошларига ўсма тортишади, ўсма ҳақидаги қўшиқларни куйлашади. "Беш тош", "Мак-мак" ва "Оқтерак" ўйинларини ўйнаб, Наврўз сайли қатнашчиларини хушнуд этишади.

Покланиш ва янгиланиш байрами Наврўз айни илигузилди палласида кириб келганлиги учун ҳам сайилгоҳларга катта дошқозонлар ўрнатилиб, унда инсонга дармон бўлувчи сумалаклар биқирлаб қайнайди. Хотин-қизлар баҳорий кўкатлардан сомсалар ёпишади. Пишириқлар тайёрлашади. Гапга етар кексалар ва кайвониларимиз эса уйида бемор ётган ҳар бир кишини тансиқ таомлар билан йўқлайдилар.

Дарҳақиқат, Бойсунда ҳар йилги Наврўзи олам ўзгача шукуҳ ҳамда кўтаринки кайфият билан кутиб олинади. Хусусан, бизнинг "Қуралай" болалар намунали фольклор-этнографик ансамблимиз ўғил-қизлари ҳам баҳорни, Наврўзни дилдан таранум этишади. Қолаверса, вилоятимиз ҳамда тумандардаги Наврўз сайиллари ҳам "Қуралай"нинг ўғил-қизлари иштирокисиз ўтмайди. Ёш ўғил-қизлардан иборат ижодий жамоа сўлим фаслга, қадимий ва навқирон Наврўзга монанд "Пўстак ўйини", "Дўл-дўл", "Оқсуяк" сингари қўшиқ ва рақсларни ижро этади. Халқимизнинг унутилмас қадриятларини миллий либосларда, халқ оҳангида ижро этиб, кўнгилларга баҳорий ҳамда Наврўз кайфиятини олиб киради...

Очиғи, бизнинг Наврўзимиз ана шундай беғубор, гўзал ва меҳрли байрам бўлдики, унга кўнглинг талпинаверади. Президентимиз оҳанрабо Наврўзни тиклаб берди, йўлини очди. У энди Бойсундан янграган чанқовуз овози, Андижондан таралган карнай-сурнайлар навосига қўшилиб, Самарқанду Тошкентда, умуман, мамлакатимизнинг шаҳару туманлари, қишлоқларида фасли навбаҳордан дарак бергувчи куй-қўшиқларга уланиб кетадиган ва ҳар сафар дунёни ҳайрату ҳавасга соладиган, бетакрор, ниҳоятда жўшқин шодиёна — Ўзбекистон Наврўзи олами бўлди.

...Яна бир муҳим гапимиз бор. Бу галги Наврўзни Соғлом бола йилида қарши оламиз. Бунда ҳам ўзгача маъно мужассам. Негаки, Наврўз "Янги кун" деган маънони билдирса, соғлом фарзанд оиланинг бебаҳо бахти ва бойлиги саналади.

— Баҳор, Наврўзни халқимиз азал-азалдан табиатнинг уйғониши, яшариш, янги куннинг бошланиши сифатида эъзозлаб келган, — дейди "Нуроний" жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси Юсуф Қурбонов. — Қадимий Бухорода баҳор келиши муносабати билан халқ сайиллари ўтказилган. Қизил гул сайли, сумалак сайли уюштирилган. Ҳалим пиширилган. Варрак учириш, хўроз уриштириш, қўчқор уриштириш каби миллий халқ ўйинлари ташкил этилган. Мучал ёшига етганларга совға-саломлар улашилган. Наврўзнинг дастлабки куни бободеҳқон ерга яхши ният билан уруғ сепган. Шуниси эътиборлики, баҳорнинг бошланиши — Наврўз мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир қисми сифатида ўз қадрини топди. У янада бой ва янги мазмун касб этди. Шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилаётган ободончилик, кўкаламзорлаштириш юмушлари ана шундан гувоҳлик бермоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда баҳор нафаси сезилиши биланоқ бунёдкорлик ишлари авж олди. Қишлоқ ва маҳаллаларда ҳашар йўли билан ободонлаштириш юмушлари бажарилаяпти. Янги боғлар барпо этилмоқда. Хиёбонлар, дам олиш масканлари чирой очаяпти. Хусусан, умумий майдони 100 гектардан зиёд Бухоро маданий маркази, 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби, теннис ҳамда сузиш марказлари жойлашган ҳудудда, зиёратгоҳларда амалга оширилаётган ободончилик тадбирлари эътиборга моликдир.

— Бу йилги баҳор ўзгача, — дейди қоракўллик меҳнат фахрийси Саид Бешимов. — Халқимиз кўкламни шод-хуррам қарши олмоқда. Яхши ният билан кўчат ўтқазмоқда. Ерга уруғ сепишга ҳозирланаяпти. Азалдан маълум: эзгу мақсадлар билан қарши олинган Наврўзнинг қадами қутбаракали келади. Ахир Наврўздек кунларни кўриб, роҳатланиб яшашга не етсин! Тилагимиз: тинчлик-омонлигимиз абадий бўлсин, азиз юртимизга асло кўз тегмасин!

Айтишларича, йил боши — Наврўз олдидан қилинган яхши ният, албатта, ижобат бўлади. Шундай экан, отахоннинг эзгу тилакларига биз ҳам қўшиламиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Спорт

Бокс

*Болгария пойтахти София шаҳрида ташкил этилган анъанавий "Странжа" халқаро турнирида мамлакатимизнинг ёш чарм қўлқоп усталари биттадан олтин ва кумуш медалга сазовор бўлишди.*

### Ёш боксчимиз шарафига мадҳиямиз янгради

Йигирмадан ортиқ давлатдан 153 нафар спортчи қатнашган мазкур мусобақада, жумладан, Камолжон Мелиев (-49 кг.) ғолибликка эришди. Яна бир вакилимиз Баҳодир Жалолов (+91 кг.) фақат финалдагина рақибига имкониятни бой берди.

Бадминтон

*Пойтахтимизда профессионал бадминтончилар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати якунига етди. Унда юз нафарга яқин спортчи яккалик, жуфтлик ва микст (аралаш) йўналишларда ўз маҳоратини намойиш қилди.*

### Ғолиблар номи маълум бўлди

Эркаклар ўртасидаги яккаликлар баҳсларида Темурбек Каримов, Артём Саватюгин ва Амрулла Бахшуллаев совринли ўринларни қўлга киритди. Жуфтликда эса Темурбек Каримов ва Артём Саватюгин тандеми ғолибликка эришди.

Қизлар мусобақасида Мария Пакинага тенг келадиган спортчи топилмади. Сурайё Аҳмаджонова ҳамда Анайт Хуршудян кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланди. Жуфтлик беллашувларида Валерия Муштакова ҳамда Анайт Хуршудян бош совринга сазовор бўлди.

Аралаш жуфтликлар (микст) йўналишида олтин медаль Алишер Холмирзаев ва Мария Пакина дуэтига насиб этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## КЎРГАЗМА

*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Баҳор вернисажи" мавзуида бадиий кўргазма очилди.*

### Кўклам илҳомлари

Санъатшунос олимлар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, халқ амалий санъати усталари, мухлислар қатнашган мазкур кўргазмада тасвирий санъатда ўз услуби, ижод йўлига эга бўлган мўйқалам усталарининг баҳор, она-табиат манзаралари ифодаланган ижод намуналари намойиш этилмоқда. Шунингдек, улар орасидан тасвирий санъат оламига дадил кириб келаётган ёш рассомларнинг ижодий ишлари ҳам кенг ўрин эгаллаган.

Ҳар йили баҳорнинг илк кунларида уюштириладиган ушбу кўргазмада рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, мусиқа, ҳайкалтарошлик, чиннисозлик йўналишларидаги юздан ортиқ асарлар мавжуд.

**Моҳира АДИЗОВА.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН 28 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларида туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 27 январдаги 21-сонли буйруғи.*

**2014 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2089-1 (2014 йил 1 июлдан кучга киради).**

2. «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2014 йил 12 февралдаги 2014-08-сонли буйруғи.*

**2014 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1942-1 (2014 йил 3 мартдан кучга кирди).**

3. «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консультанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2014 йил 8 февралдаги 299-В-1, 2014-05-сонли қарори.*

**2014 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-1 (2014 йил 3 мартдан кучга кирди).**

4. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва Марказий банк Бошқарувининг 2014 йил 8 февралдаги 2014-06, 290-В-1-сонли қарори.*

**2014 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-2 (2014 йил 3 мартдан кучга кирди).**

5. «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2014 йил 12 февралдаги 2014-07-сонли буйруғи.*

**2014 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2370-1 (2014 йил 3 мартдан кучга кирди).**

6. «Қимматли қоғозлар ҳосилаларини чиқариш ва муомалада бўлиши тартибига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2014 йил 19 февралдаги 2014-09-сонли буйруғи.*

**2014 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 320-3 (2014 йил 3 мартдан кучга кирди).**

7. «Айирбошланадиган қимматли қоғозларни тарқатиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2014 йил 19 февралдаги 2014-10-сонли буйруғи.*

**2014 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 351-2 (2014 йил 3 мартдан кучга кирди).**

8. «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 50-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2562 (2014 йил 3 мартдан кучга кирди).**

9. «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 51-мҳ-сонли буйруғи.*

**2014 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2563 (2014 йил 3 мартдан кучга кирди).**

10. «Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 17 февралдаги 9-сонли буйруғи.*

**2014 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2564 (2014 йил 3 мартдан кучга кирди).**


*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**2013/2014 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари асосида иш жойларига тақсимлаш жараёни бошланганлигини маълум қилади.**

Университетнинг замонавий билимларни мукаммал ўзлаштирган битирувчи бакалавр ва магистрларига эҳтиёжи бўлган корхона раҳбарларидан битирувчиларга келгусидаги иш жойини танлашида кўмаклашиш мақсадида уларга яратиб берилиши мумкин бўлган имкониятлар (маош, туражой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида университет раҳбариятига жорий йилнинг 10 мартига қадар талабнома ҳамда расмий сўров хати билан мурожаат қилишни таклиф қиламиз.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини 2013/2014 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақидаги маълумотлар (г — давлат гранти асосида, ш — шартнома асосида).

**Маълумот учун телефон: (8-371) 275-89-55, ЎзДЖТУ Маркетинг хизмати бўлими факси: (8-371) 275-09-91. E-mail: uzswlumarketing@inbox.uz**
**Манзилимиз: Тошкент ш., 100138, Кичик ҳалқа йўли к., Г-9А мавзеси, 21-«А» уй.**

| Т/р | Таълим йўналишлари, мутахассисликлар / Шаҳар (туман) ва вилоятлар | Бакалавриат | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Магистратура | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Филология ва тилларни ўқитиш | | | | | | | | | | | | Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда) | | Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) | | Халқаро журналистика | | Жами | | Лингвистика | | | | | | | | | | Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) | | Халқаро журналистика (фаолият турлари бўйича) | | Журналистика (спорт журналистикаси) | | Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) | | Жами | |
| | | Инглиз тили | | Немис тили | | Француз тили | | Испан тили | | Хитой тили | | Рус тили | | | | | | | | | | Инглиз тили | | Немис тили | | Француз тили | | Испан тили | | Рус тили | | | | | | | | | | | |
| | | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| 1. Тошкент шаҳри | Яккасарой | 3 | 13 | 3 | | | 1 | | 4 | 2 | | | | | | | 3 | | | 8 | 21 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 2 |
| | Шайхонтоҳур | 10 | 25 | | 1 | 2 | | 2 | 1 | 1 | 2 | | | 1 | | | 5 | | 2 | 16 | 36 | 1 | 6 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | 2 | 7 |
| | Учтепа | 18 | 16 | | | 1 | | | 4 | 1 | 2 | | 1 | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 | 3 | 25 | 29 | | 7 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 3 | | | | | | | 2 | 13 |
| | Юнусобод | 22 | 31 | 1 | | 3 | 2 | | 3 | | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | 2 | 4 | 30 | 42 | | 10 | | | | 1 | | | | 1 | | | | 2 | | | | | | 14 |
| | Сергели | 5 | 14 | 1 | | 1 | 1 | | 3 | | 1 | 1 | | | | | 3 | | 1 | 8 | 23 | | 3 | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | 3 |
| | Чилонзор | 20 | 26 | | 1 | | | 3 | 4 | | 2 | 1 | 3 | | | 3 | 5 | 1 | 3 | 28 | 44 | 1 | 7 | | | | | 1 | | | | | 2 | | | | 1 | | | 2 | 10 |
| | Ҳамза | 10 | 19 | | | | | | 1 | 1 | 2 | | | | 1 | | | | 1 | 11 | 24 | | 1 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | 1 | | 1 | 3 |
| | Миробод | 6 | 9 | 2 | 1 | | | 1 | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | 3 | 10 | 15 | | 1 | | | | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | | 1 | 4 |
| | Мирзо Улуғбек | 11 | 15 | 3 | 3 | 1 | | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 | | 2 | 18 | 24 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 |
| | Олмазор | 7 | 15 | 1 | | | | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 2 | 1 | 2 | 2 | 17 | 21 | 1 | 4 | | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | 2 | 6 |
| | Бектемир | | 3 | | | | | | | | 2 | | | | | | | | 1 | | 6 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 |
| | **Жами** | **112** | **186** | **11** | **6** | **8** | **4** | **9** | **25** | **7** | **14** | **4** | **4** | **4** | **3** | **9** | **21** | **7** | **22** | **171** | **285** | **4** | **42** | | **1** | **2** | **3** | **2** | **1** | | **4** | **1** | **9** | **2** | **2** | | **2** | **1** | | **12** | **64** |
| 2. | Андижон вилояти | 7 | 11 | | 2 | 1 | | | 1 | | 2 | | | | | 1 | 4 | | | 9 | 20 | | 6 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | 8 |
| 3. | Бухоро вилояти | 26 | 29 | 6 | 3 | 10 | 13 | | | | 3 | | 1 | 1 | 3 | | 3 | | 3 | 43 | 58 | | 6 | | | 1 | 2 | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 9 |
| 4. | Жиззах вилояти | 9 | 12 | 2 | 9 | | | | 1 | | | | | | 1 | | 4 | 1 | | 12 | 27 | | 4 | | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 7 |
| 5. | Наманган вилояти | 19 | 21 | | 4 | | 2 | | 2 | 1 | | | | | | | 2 | 1 | | 21 | 31 | | 2 | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | 3 |
| 6. | Навоий вилояти | 10 | 11 | 2 | 8 | 1 | 6 | 1 | | | | 1 | | 1 | 3 | | | 1 | 2 | 17 | 30 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 |
| 7. | Самарқанд вилояти | 25 | 31 | 13 | 16 | 5 | 8 | | 1 | | 3 | | 1 | | | 1 | 3 | 1 | 1 | 45 | 64 | | 6 | | 1 | | | | 2 | | | | | | | | | | | | 9 |
| 8. | Сурхондарё вилояти | 15 | 36 | 1 | 4 | | 4 | | 1 | | | 2 | 1 | 4 | 1 | 2 | 1 | | 1 | 24 | 49 | | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 | 4 |
| 9. | Сирдарё вилояти | 4 | 13 | | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | 5 | 14 | | 1 | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | 3 |
| 10. | Фарғона вилояти | 15 | 28 | 1 | 2 | 1 | | | | | | 1 | | | | 1 | 3 | | | 19 | 33 | | 1 | 2 | 3 | | | | | 1 | | | 2 | | | | | | | 3 | 6 |
| 11. | Хоразм вилояти | 28 | 40 | 2 | 4 | 10 | 9 | 1 | 1 | | | | 1 | | 1 | 1 | 4 | | 2 | 42 | 62 | | 3 | | 1 | | 2 | | 1 | | | | | | | | | | 2 | | 9 |
| 12. | Қашқадарё вилояти | 34 | 72 | 7 | 22 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 5 | 6 | 1 | 4 | 6 | 5 | 1 | 4 | 56 | 116 | 1 | 11 | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | 1 | 3 | 16 |
| 13. | Тошкент вилояти | 29 | 68 | 2 | 3 | | 2 | | 3 | 1 | 1 | 1 | 3 | 1 | 4 | 5 | 3 | 3 | 1 | 42 | 88 | | 12 | | 2 | | 1 | | 1 | 2 | | | 2 | | | | | | | 2 | 18 |
| 14. | Қорақалпоғистон Республикаси | 14 | 20 | 1 | | | | | | | 3 | | | | | 1 | 1 | | 1 | 16 | 25 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | 5 |
| | **Умумий жами** | **347** | **578** | **48** | **84** | **36** | **49** | **12** | **36** | **10** | **27** | **14** | **17** | **12** | **20** | **27** | **54** | **16** | **37** | **522** | **902** | **6** | **99** | **2** | **11** | **3** | **9** | **2** | **5** | **3** | **8** | **2** | **16** | **3** | **6** | **1** | **3** | **2** | **5** | **24** | **162** |

247R/120



● Реклама ва эълонлар ●

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ — 20 ЁШДА

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ» компанияси**

**«МИНГИНЧИ МИЖОЗ» акцияси бошланганлигини эълон қилади.**

«Мингинчи мижоз» акцияси «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 20 йиллик юбилейи муносабати билан уюштирилмоқда. Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида 2014 йил 1 февралдан 1 апрелгача бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ташкил этилади.

Акцияда қуйидаги мукофотлар соврин сифатида ўйналади:

*Биринчи мингинчи мижозга —* LCD 42 дюймли плазма телевизори;



*Биринчи беш юзинчи мижозга —* Galaxy Note планшети;



*Биринчи юзинчи мижозга —* Galaxy S3 мобиль телефони.



Акция ғолибларига мукофотларни топшириш маросими 2014 йил апрель ойида, компаниянинг 20 йиллик юбилейи арафасида бўлиб ўтади.

**«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилинг!**

Батафсил маълумотни (8-371) 235-94-27, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН. 189А/97



**«Қибрай» клиник санаторийси**

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

*Манзилимиз:* Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

*Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.* 47/6

**Республика аҳолиси диққатига!**

**«FPI-DELIVERY SERVIS» МЧЖ**

боғдорчилик, иссиқхона ҳамда томорқада экин қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган енгил ва тежамкор, ихчам ва қулай, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган

**«TIGUAN»**



русумли мотокультиваторларни таклиф этади.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулот сертификатланган.

Мурожаат учун телефонлар: (+99894) 160-27-24, (+99890) 176-81-45. Факс: (8-371) 234-62-45. 177А/1163

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz 02

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ жамоаси ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Миясар ЮСУПОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 369. 140 939 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-6786

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5